

Байрамона бағишлиов

Институт раҳбарияти ташаббуси билан ҳар бир кафедра томонидан ушбу қутлуғ умумхалқ байрамимизни чиройли ўтказиш мақсадида уруш қаҳрамонлари ва Фронт ортида фаолият-шижоат кўрсатган қадрдонларимиз ва аввалдан ишлаб институт тараққиётига ўз ҳиссасини қўшган, ҳозирда нафақада бўлган профессор-ўқитувчиларимизни эслаб, жорий йилнинг 8 май куни “Педагогика, психология ва ўқитиш методикаси” кафедраси профессор-ўқитувчиларининг ташрифлари амалга оширилди.

Улар анча йил у кафедрада фаолият кўрсатиб келган п.ф.н, доцент Мусаев Ренат Султоновичнинг хонадонига кафедра профессор-ўқитувчиларидан п.ф.д.Д.Химматалиев ва асс. Б.Муқимовлар ташриф буюрдилар, уларни ҳолларидан хабар олиб ҳамсухбат бўлишди. Улар институтда бўлаётган ўзгаришлар, Президентимизнинг Қарорлари ва фармонларини таълим тизимиға кенг жорий этилаётганлиги, институт тараққиёти ва фаолияти ҳақида суҳбатлашиб уларни хабардор қилдилар. Бу ташрифдан жуда мамнун бўлган Ренат Султонович бизга ва ташкилот раҳбарига ўз миннатдорчиликларини айтиб жўнатибдилар.



**ПП ва ЎМ кафедраси мудири З.К.Исмаилова ахбороти
Институт матбуот котиби Раҳимбой Жуманиёзов**